# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

# МАНСУРОВ МУЗАФФАРЖОН ШАРИФЖОН ЎҒЛИ

# ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ХОЛАТИ (1980-2018 й)

 $07.00.01. - reve{y}$ збекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

VŽK.	910.4.	379 85	(575.1)
J J IX.			(J/J.I)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

(1980	Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли Фарғона водийсида туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва холати ) -2018 й)
	Мансуров Музаффаржон Шарифжон угли
	Процессы развития и состояние туризма в Ферганской долине (1980 -
2018	г.)
2018	Mansurov Muzaffarjon Sharifjon ugli The developing process and condition of tourism in Fergana valley (1980 - y)
	Эълон қилинган ишлар рўйхати
	Список опубликованных работ
	List of published works

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

# МАНСУРОВ МУЗАФФАРЖОН ШАРИФЖОН ЎГЛИ

# ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ХОЛАТИ (1980-2018 й)

07.00.01. – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан В.2019.2. (PhD)/ Tar191. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иктисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсахифасида (www.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

**Илмий рахбар:** Эргашев Қўлдош тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Расулов Абдулла Нуриддинович

тарих фанлари доктори, профессор **Исмоилова Жаннат Хамидовна** тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Таг.01.04-рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_куни соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шахри, Мирзо Голиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават,110-аудитория.Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21,(99871)246-02-24; е-mail: nauka@nuu.uzЎзбекистон Миллий университети.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). ( Манзил: 100174, Тошкент шахри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино.)

Диссертация а	вторе	ферати 2020 йил «	_>>	куни тарқатилди.
(2020 йил «	»	даги		_рақамли реестр баённомаси).

А.А.Маврулов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси. т.ф.д., профессор

Д.Ж.Ураков

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби т.ф.н., доцент

Г.А.Агзамова

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д.профессор

# КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида туризм жахон иктисодиётида мухим ўрин эгаллади. Дунё ахолиси моддий фаровонлиги даражасининг ортиши дам олиш ва саёхат қилишга бўлган эхтиёжнинг кучайишига олиб келди. Натижада, хар бир мамлакатда туризм жозибадорлигини ошириш орқали сайёхлар оқимини бошқариш зарурати вужудга келди. Жахоннинг барча минтақаларида, Узбекистонда хам туристларнинг реклама-ахборотга хусусан, бўлган эхтиёжини инфратузилмани мукаммаллаштириш, қондириш, мавжуд туристлар хавфсизлигини таъминлаш стратегик мақсадлардан айланди. Ўзбекистонда хам хали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд бўлиб, моддий ва маънавий мерос объектларидан туризм ресурси сифатида фойдалана бошланиши натижасида, республика минтакалари орасида ракобат вужудга келиши туризм ривожида ижобий натажаларни бера бошлади.

Жаҳоннинг бир қатор илмий марказларида туризмнинг тарихиймаданий, иқтисодий-ижтимой жараёнлар контекстидаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилмоқда. Айниқса, туризмнинг ишсизликнинг олдини олиш, экологик мувозанатни барқарорлаштириш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашдаги роли минтақалар кесимида тизимли ўрганилмоқда. Шунингдек, туризмнинг мамлакат ижобий имиджини шакллантириш ҳамда иқтисодий секторни ривожлантиришдаги аҳамияти маркетинг тадқиқот марказлари томонидан таҳлил этиб борилмоқда.

Хозирги кунда миллий иктисодиётга юкори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири – бу туризмдир. Юртимизда 7 минг 300 дан ортик маданий меърос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Бу сохада жахон брендларини фаол жалб этган холда, зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гострономик туризм ва бу соханинг бошка тармокларини ривожлантиришга алохида эътибор каратиш зарур $^1$ . 2010-2017 йиллар давомида туризм хизматлари экспорти ошди ва 2017йилда 546,9 миллион АҚШ доллари, 2018 йилда эса – 1041 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2016 йилгача хорижий ташриф буюрувчилар сонининг ўсиш суръати ўртача йиллик 8 фоизни, 2017 йилда 7 фоизни ташкил қилиб, 2,69 миллион нафардан ошди. 2018 йилда якунлари бўйича республикага 5,3 миллион хорижий туристлар ташриф буюрди. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва мухофаза қилишга қаратилган чоралар кўрилгани натижасида, 2015 йилда 398 тани ташкил килган туризм ташкилотлари сони 2018 йил якуни буйича 950 тага, мехмонхона хужаликлари сони -661 тадан 900 тага етди $^2$ . Шунга қарамасдан, туризм тармоғини тартибга солувчи норматив-хукукий асоснинг номукаммаллиги, туристик мавсум давомида мехмонхоналарда жойларнинг етишмаслиги, транспортда йўловчиларни ташиш тизимининг мувофиклаштирилмаганлиги, сайёхларнинг

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017 йил, декабрь.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантиришга оид қушимча чора-тадбирлар турисидаги ПФ-5611-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сузи. 2019 йил, 8 январь.

ахборотга бўлган эхтиёжининг қондирилмаганлиги, ички туризмни, мамлакат худудларидаги маданий мерос объектларининг ва зиёратнинг ўзига бўйича маркетинг хосликларини тарғиб килиш кампанияларининг самарасизлиги туризм ривожига салбий таъсир қилди. Туризмни янада **У**збекистон Республикаси максадида Президенти ривожлантириш Мажлисга 2018 йил 28 Ш.М.Мирзиёевнинг Олий декабрда килган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Мурожаатномаси ва ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Харакатлар стратегиясида "туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иктисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация килиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини яхшилаш³" каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу жараёнлар ўз ўрнида туризм сохаси тарихини янги методологик ёндашувларга асосланиб ёритишни долзарб вазифа қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4797-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида"ги, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон "Ўзбекистон Республикасида туризм салохиятини ривожлантириш учун кулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон "Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон "Кириш туризмини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқукий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даража хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан технологиялари йўналишларига ривожланишининг устувор мослиги. Тадкикот республика фан ва технологиялари ривожланишининг І. "Демократик ва маънавий-ахлокий вамаданий ривожлантириш, хуқуқий жамиятни инновацион иқтисодиётни ривожлантириш"устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фарғона водийсида туризмнинг ривожланиш жараёнлари муаммосига оид бир қатор илмийтадқиқот ишлари мавжуд бўлиб, уларни яратилиш даври асосида уч гурухга: совет хокимияти йилларида чоп этилган асарлар, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида нашр этилган адабиётлар ва хорижда эълон қилинган илмий нашрларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга киритилган тадқиқотлар синфийлик ва мафкуравий босимлар ҳукмрон бўлган, марказнинг ўлканинг олис ҳудудларида туризм тараққиётига у даражада эътибор бермаганлиги ҳукм сурган даврда муаллифлар, ҳусусан, иқтисодчилар, географлар ўрганилаётган масалаларни ҳолисона таҳлил қилиш ва уларни атрофлича ёритиш имконидан маҳрум

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ 4947 - сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил, 8 февраль.

эдилар. Мазкур илмий асарлар тавсифий аҳамиятга эга бўлиб, уларда асосан, Фарғона водийсининг рекреацион дам олиш масканлари бўйлаб саёҳатлар ташкил этишнинг географик томонларигина ёритилган ҳамда улар кўпроқ сайёҳларга йўл кўрсаткич вазифасини ўтаган. Бундай нашрлар қаторига Д. Колбинценов, Г. Бернадский, И. Верма, И. Бекмуродов, С. Пославская, И. Тухтасинов, В. Рецеклар томонидан яратилган асарларни<sup>4</sup> киритиш мумкин.

Иккинчи гурух, яъни мустакиллик йилларида нашр этилган ишларда, хусусан, Й. Усмонов, Н. Абдулахатов, С. Рахмонов, Қ. Тошболтаев, Ў. Сўфиев<sup>5</sup> каби тадқиқотчилар томонидан Фарғона водийсининг диққатга сазовор жойлари, зиёратгохлар хакида хабарлар берилган бўлса-да, улар билан боғлиқ туризм сохасини ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор Шунингдек, Н.Ибрагимов, С.Рўзиев, Б.Бердиёров, Н.Шамуратова, Б.Камолов, Ш.Якубжонова каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилояти ва Фарғона водийси кесимида туризмнинг иктисодиётга таъсири, экотуризм, агротуризм масалалари анча кенг ёритилган. Шу билан бирга, матбуот сахифаларида Фарғона водийсининг туризм имкониятларига бағишланган кўпгина ишлар эълон қилинган. Жумладан, А.Тошматов, Н.Жалолов, С. Хусанов, Д. Юсупов, М. Саидхонова, Д. Қўлдошева, Г. Жабборова, А. Умаров, Х.Хўжамқулова, С.Хусанова, Қ.Кенжа, К.Полвонова, М.Парпиев, Ш.Даминова кабиларнинг мақолаларида<sup>6</sup> минтақа туризм салохиятининг

1

<sup>&</sup>lt;sup>4</sup> Колбенценов Д. По дорогам Узбекистана. – Ташкент:, Узбекистан, 1972. – 136 с.; Усмонходжаев Б., Кузьмин М. Большой Ферганский канал имени Усмана Юсупова. – Ташкент:, Узбекистан, 1972. – 94 с.; Рецек В. Ўрта Осиёни кезганда (Фарғона, Олой, Қоратегин, Ҳисор, Кўхистон). – Ташкент:, Ўзбекистон, 1972. – 110 б.; Бернадский Г. М. Маршруты Ферганской долины. – Москва:, Физкультура и спорт, 1972. – 120 с.; Колбинценов Д. Сўлим оромгохлар бўйлаб. – Тошкент:, Ўзбекистон, 1974. – 110 б.; Тухтасынов И. Фарганская область путеводитель. – Ташкент:, Узбекистан, 1978. – 20 с.; Назилов Д. Халқ меъморчилиги. – Тошкент:, Фан, 1982. – 96 б.; Бекмуродов И., Мадаминов А., Акрамов Ғ. Ғафур Ғулом номидаги Фарғона область адабиёт музейи йўл кўрсаткичи. – Тошкент:, Ўзбекистон, 1983. – 66 б.; Пославская С. Туристическими тропами Узбекистана (пути в природа). – Ташкент:, Узбекистан, 1985. – 154 с.; Верба И., Голицин С., Куликов В., Рябов Е. Мактабда туризм. – Тошкент:, Ўқитувчи, 1990. – 108 с.

<sup>&</sup>lt;sup>5</sup> Усмонов Й. Жаннат боғи. – Фарғона:, Фарғона, 1995. – 95 б.; Абдулаҳатов Н., Хошимов Б. Аҳмад ал Фарғоний. – Фарғона:, Фарғона, 1998. – 113 б.; Раҳмонов С. Асака. – Тошкент:, Ўзбекистон, 1999. – 56 б.; Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Ў. Марғилон ҳакида сўз. – Фарғона:, Фарғона, 2006. – 36 б.; Тошболтаев Қ. Марҳамат: ҳишлоҳларимиз ҳаётидан баҳс. – Андижон:, Andijon nashriyot matbaa, 2007. – 86 б.; Абдулаҳатов Н. Муҳаддас ҳадамжолар туркумидан. Садкак ота зиёратгоҳи. – Фарғона:, Фарғона, 2009. – 55 б.; Жабборов А. Наманган вилояти ихчам маълумотлар тўплами. – Наманган:, Наманган, 2011. – 181 б.; Нурматов М. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва туризмнинг ривожлантиришнинг ижтимоий-географик ҳусусиятлари" (Фарғона минтаҳаси мисолида). – Тошкент:, Фан, 2013. – 103 б.; Алиева М. Иҳтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошҳаришнинг иҳтисодий жиҳатлари. – Тошкент:, Фан, 2013. – 400 б.; Сўфиев Ў. Сўҳнома. – Фарғона:, Фарғона, 2013. – 156 б.; Анарбаев А. А. Аҳсикет – столица древней Ферганы. – Ташкент:, Таfаккиг, 2013. – 435 с; Раҳматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарларида иҳтисодий трансформацион жараёнлари (1991–1996 йиллар). – Тошкент:, Тошкент, 2017. – 158 б.

 $<sup>^6</sup>$  Тошматов А. Устазодалар // Andijonnoma. — 2013. № 18. — Б. 2.; Жалолов Н. Уч ноёб обида // Andijonnoma. — 2013. № 20. — Б. 3.; Хусанов С. Хорижда ҳам қизикиш катта // Andijonnoma. — 2013. № 3. — Б. 2.; Юсупов Д. Кулолнинг олтин медали // Andijonnoma. — 2015. № 41. — Б. 3.; Жабборова Г. Кўҳна ва навкирон Андижон // Andijonnoma. — 2015. № 18. — Б. 3.; Саидхонова М. Мирпўстин ота зиёратгоҳи: кеча ва бугун // Andijonnoma. — 2015. № 41. — Б. 4.; Қўлдошева Д. Зиёратгоҳларга муносабат // Фарғона ҳақиқати. — 2017. № 32. — Б. 2.; Умаров А. Ҳўқанди латифда аския кечаси // Фарғона ҳақиқати. — 2017. № 31. — Б. 3.; Ҳусанов С. Олти асрлик булоқ // Andijonnoma. — 2017. № 28. — Б. 2.; Туризмни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди // Ма'гіfat. — 2017. № 40. — Б. 3.; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилояти ҳалқ депутатларининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. — 2017. № 35. — Б. 2.; Кенжа Қ. Андижонга Бобурга эҳтиром // Andijonnoma. — 2017. № 24. — Б. 2.; Хўжамқулова Х. Ғижжаки

айрим томонлари очиб берилган. Бирок ушбу ишларда Фарғона туристик минтақасида туризм соҳасига тўсиқ бўлиб турган муаммолар таҳлил этилмаган.

Учинчи гуруҳга хорижий муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар киради. Жумладан, В. Козарев, Р. Бендекс, Т. Христов, В. Бензон, С. Патнаик кабиларнинг изланишларида<sup>7</sup> зиёрат туризми, археологик туризм, ҳунармандчилик туризми, фольклор туризми муаммолари ҳамда туризмнинг жаҳон мамлакатлари ривожида алоҳида тармоқ сифатида шаклланганлиги, унда туризм индустриясининг тутган ўрни каби масалалар тарихий ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ушбу илмий тадқиқотларда назарий яъни туризм турлари тарихи, унинг ривожланиш тенденциялари, долзарбмуаммолари ҳақида фикрлар юритилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси тахлили шуни кўрсатадики, республикамиз ва хорижда амалга оширилган тадқиқотларда Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва холати Фарғона водийси мисолида махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадкикотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадкикот муассасасининг илмий-тадкикот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иктисодиёт университети Туризм факультети "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедрасининг 2017-2020 йилларилмий тадкикот ва ўкув режалари билан узвий боғликдир.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1980-2018 йилларда Фарғона водийсида туризмнинг асосий йўналишларининг ривожланиш тарихини илмий жихатдан тахлил қилишдан иборат.

### Тадкикотнинг вазифалари:

совет хукуматининг туризм сохасига мафкуравий ёндашуви, унинг ривожига салбий таъсири ва бунинг оқибатларини таҳлил қилиш;

мустақиллик йилларида минтақадаги туризмнинг ривожланиш тендецияларини комплекс таҳлил қилиш;

худудда археологик ва зиёрат туризмининг ривожланиши ҳамда туристик соҳа ривожига тўсиқ бўлиб турган омилларни аниқлаш;

хунармандчилик туризмининг сайёхлик индустриясидаги ўрни ва ахамиятини ёритиб бериш;

Бобурий дунёни сехрлаяпти // Andijonnoma. -2017. № 25. - Б. 3.; Полвонова К. Хунармандлар мехнати кадр топади // Фарғона ҳақиқати. -2017. № 24. - Б. 4.; Парпиев М. Ҳамкорликни янги босқичи бошланмоқда // Наманган ҳақиқати. -2019. № 48. - Б. 1.; ЎзА. Халқаро инвестиция форуми: 320 миллион долларлик битимлар имзоланди // Наманган ҳақиқати. -2019. № 47. - Б. 1.; Даминова Ш. Қадимий масканларнинг бугунги таровати // Наманган ҳақиқати. -2019. № 47. - Б. 3.; ЎзА. Меҳмонлар таассуротларидан // Наманган ҳақиқати. -2019. № 44. - Б. 3.; Дил сўзлар // Наманган ҳақиқати. 2019. № 43. - Б. 1.

<sup>&</sup>lt;sup>7</sup>Козарев В. М. Туристская рента: Методические рекомендации. – Москва:, ACADEMIA., 1998. – 57 с.; Regina, Bendix. Tourism and cultural displays. Journal of Folklore research an international journal of folklore and ethnomusicology. January, 2003. https:// www.researchgate.net.; Христов Т.Т. Религиозныйтуризм. – Москва:, ACADEMIA, 2005. – 43 с; Багдасарян В., Орлов И. Советское Зазеркалье ( Иностранный туризм в СССР в 1930–1980-годы). – Москва:, 2007. – 126 с.; Sunil Kumar Patnaik. Archaeological Heritage and Tourism (Developing underdeveloped Regions) Orissa Riview. December, 2009. – P. 5; Walonzi Benzon. The benefits of tourism handicraft sales at mwenge handicrafts centre in dare s salaam. – Tazania:, Tamperen, 2014. – P. 45.

фольклор туризми ва унинг муаммоларини кўрсатиб бериш;

Фарғона водийсида туризмни янада ривожлантириш юзасидан илмийамалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чикиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Фарғона водийсида туризм соҳаси ва унинг ривожланиши тарихи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** этиб 1980-2018 йилларда Фарғона водийсидаги туризм инфратузилмаси, моддий-техник ахволи ҳамда археологик туризм, зиёрат туризми, ҳунармандчилик туризми ва улардаги тизимли ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган жараёнлар белгиланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида тарихийлик тамойили, фанлараро ёндашув, муаммовий-хронологик, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

## Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

собиқ совет даврида туризмдан коммунистик мафкуранинг тарғиб қилиш воситаси сифатида фойдаланилгани, саёхат дастурлари "адолатли келажак" имиджи доирасида ишлаб чиқилганлиги, социализмнинг келажаги "порлоқ" эканлиги намойиш қилиниб, туризм соҳасининг моддий-техник базасининг ночорлиги, коммунал соҳадаги муаммолар, меҳмонхона ва ресторанларнинг жаҳон стандартларига жавоб бермаслиги тармоқ ривожига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида мазкур соҳа эътибордан четда қолиб кетганлиги очиб берилган;

мустақиллик йилларида туризмнинг махсус индустрия сифатида шаклланиши, хусусийлаштириш ва тузилмавий ислохотларнинг амалга оширилиши туризм инфртузилмасининг кенгайишига имкон яратиб, минтақа иқтисодий салохиятининг ошиши ҳамда бюджетининг ўсишига хизмат килганлиги асосланган.

Фарғона водийсида археологик ва зиёрат туризмини ривожлантиришда тарихий туризм потенциалларидан фойдаланилиши, очик осмон остидаги археологик музей қўриқхоналарнинг ташкил этилиши бир томондан шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари инфратузилмасининг яхшиланишига, иккинчи томондан туризм класстерларининг шаклланишига ва янги тур маршрут йўналишларининг йўлга қўйилишига хизмат қилганлиги аникланган;

минтақада миллий анъанавий брендларни яратиш билан туризмдан келадиган даромадни ошириш, халқ амалий санъати ва хунармандчилик марказлари бўйлаб тур маршрутларнинг йўлга қўйилиши каби қатор тадбирларнинг амалга оширилиши туризм имиджини шакллантиришда мухим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилган.

## Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсида туризмнинг ривожланиш жараёнлари таҳлил этилиб, туризм сиёсатининг устувор йўналишларини тадқиқ қилишда қўлланиши мумкин бўлган жиҳатлар аниқланган;

тадқиқот натижалари республикадаги туризмнинг ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш, хусусан, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қумитаси фаолиятида фойдаланилган;

Ўзбекистоннинг совет хукумати ва мустақиллик даври тарихи бўйича дарслик ва ўкув кўлланмалар тайёрлашда ушбу тадқиқот материалларининг фойдали жихатлари асосланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқотда тарих фанидаги метод ҳамда ёндашувларнинг қўлланилганлиги, кенг турдаги илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, асосий назарий манбаларга асосланганлиги, хулоса, таклиф, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона водийсида туризмнинг ривожланиш жараёни, хусусан, археологик туризм, зиёрат туризми, ҳунармандчилик туризми, фольклор туризми турлари тўғрисидаги илмийназарий билимларни янада чуқурлаштириш, ушбу масалага доир илмий хулосаларни амалиётга жорий этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туризм соҳасини янада ривожлантиришга бағишланган мақсадли давлат дастурлари бажарилишига, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқишга, шунингдек, республика олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланмалар ва дарсликларнинг мукаммаллашувига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарғона водийсида туризмнинг ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар, олинган илмий натижаларидан:

Фарғона водийсида жойлашган археологик ёдгорликларни вигитация ва вандализм таъсиридан асраш максадида археологик ёдгорликларнинг мухофаза зоналарини белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган "Шаҳарсозлик" кодекси хамда 2001 йил 30 августда қабул қилинган "Маданий ёдгорликларни улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларга килиш қўшимчалар киритиш ва Фарғона водийсида туризмни ривожлантиришда рекреацион туристик зоналар ташкил этиш, мехмонхона ва ресторан бизнесини ривожлантириш хақидаги илмий хулосаларидан водийсидаги худудий дастурларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2018 йил 28 августдаги 03-22/4857 сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини қўлланилиши, тадқиқотда қўлга киритилган илмий янгиликлар Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни мухофаза қилиш ва кичик туризм зоналарини ташкил қилиш истиқболли режаларини тузишга хизмат қилган;

Фарғона водийси бўйлаб амалга оширилган, тарихий аҳамиятга эга бўлган "Қўқон хонлари дам олиш йўллари бўйлаб саёҳат" (Қўқон—Ёрмозор), "Қўқон хонлари зиёрат қилган қадамжолар бўйлаб саёҳат" (Водил—Ёрдон—Шоҳимардон), "Қўқон хонлари ов қўриқхоналари бўйлаб саёҳат" (Ёзёвон, Хонобод), "Бобур қадамжолари бўйлаб саёҳат" (Фарғона вилояти Сўх тумани

ва Қувасой шахри), турли миллатлар анъаналарини намойиш қилиш мақсадида Учкўприк-Ёзёвон-Фарғона-Қувасой туман ва шахарлари бўйлаб саёхат, динлараро толерантликни намойиш килиш максадида Қуқон-Учкўприк-Марғилон-Фарғона-Қувасой-Қува туман ва шахарлар йўналишлари бўйлаб саёхат маршрутлари ишлаб чикилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 февралдаги ПК-3514-сонли "Ички туризмни ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўгрисида"ги Қарорининг 2/2 банди ижросини таъминлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Ёшлар Иттифокининг 2018 йил 17 августдаги №04.13/4289.далолатномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга тадбики ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш сохасидаги тарғиботларни амалга оширишга, устувор телекўрсатувлар тайёрлашга, туризм сохасини йўналишлари тарихини ўрганиш ва тахлил қилишга хизмат қилган;

Фарғона водийсида хунармандчилик туризми, Қўқон қоғозини қайта тиклаш, Қўқон миниатюра ва ҳаттотлик мактаби анъаналарини янада ривожлантириш орқали туризм брендини яратиш, Фарғона вилоятининг Қўқон, Риштон, Бағдод, Бувайда, Қува туманларида очиқ осмон остидаги ҳунармандчилик марказларини ташкил этиш тавсия этилган (Ўзбекистон Республикаси Hunarmand уюшмасининг 2018 йил 3 августдаги № ШР12/873. далолатномаси). Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши Фарғона вилоятида миллий туризм брендларини тикланишига ва сайёҳлар оқимининг ошишига олиб келди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати хамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий хажми145 бетни ташкил этади.

# ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланған мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётидаги устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган холда назарий ва амалий ахамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг "Фарғона водийсида туризмнинг ривожланиш тарихи" деб номланган биринчи бобида туризмнинг Совет давридаги ахволи ва комунистик мафкура тарғиботи қуролига айланганлиги, мустақиллик йилларининг бозор иқтисодиёти шароитида Фарғона водийсидаги туризм соҳасида вужудга келган муаммолар тадқиқ этилган.

"Совет хокимиятининг 1980 — 1990йилларида Фаргона водийсида туризмнинг ахволи" деб номланган биринчи параграфда Фаргона водийсида туризмнинг 1980-1990-йилларидаги холати ва соха ривожининг устувор йўналишлари турли манбалар асосида тахлил этилган.

Совет Иттифоқи даврида туризм соҳасида ҳам сифат эмас, сон кетидан қувиш авж олди, Совет ҳукумати туризмни ўзининг комунистик жамиятни тарғиб қилиш қуролига айлантирди. Рекрацион имкониятлари катта бўлган Фарғона водийсида спорт туризми, тоғ туризми, соғломлаштириш туризми йўлга қўйилган<sup>8</sup> бўлса-да,1975 йилда ўтказилган сўровномалардан маълум бўлишича, 34,2 фоиз туристлар транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳасида малакали мутахасислар ва гид таржимонлар етишмаслигини қайд этган<sup>9</sup>.

Фарғона водийси бўйлаб "Фарғона водийси Ўзбекистон марвариди", "Фарғона кеча ва бугун", "Салом, Наманган", "Соғлом сайёҳлик" каби тематик маршрутлар<sup>10</sup> Совет давлатининг мафкуравий мақсадларини кўрсатишга хизмат қилди. Ўзбекистон компартияси Марказий қўмитаси томонидан 1975 йилда Қўқон<sup>11</sup> шаҳри ва 1977 йилда эса Марғилон шаҳарларига "Очиқ осмон остидаги меъморий ва этнографик музей-шаҳар" мақоми берилиши<sup>12</sup> водийда маданий туризм турларининг янада жонланишига хизмат қилган бўлса-да, хорижлик туристлар тарғибот-ташвиқот материалларининг камлиги туфайли тарихий шаҳарлар ҳақида етарли даражада маълумотга эга бўлмаган<sup>13</sup>.

Мазкур даврда иктисодиётнинг субъектив режалаштириш асосида бошкарилиши туризмнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Бу, аввало, туризм бюролари, касаба уюшмалари фаолиятида яккол кўзга

 $<sup>^{8}</sup>$  Фарғона вилояти давлат архиви (кейинги ўринларда ФВДА тарзида кўрсатилади) 1141-фонд, 1-рўйхат, 49 - йиғма жилд, 14-вароқ.

<sup>&</sup>lt;sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви (кейинги ўринларда ЎзР МДА тарзида кўрсатилади) ЎзР МДА, 2753-фонд, 1-рўйхат, 217-йиғма жилд 69-вароқ.

 $<sup>^{10}</sup>$  Наманган вилояти давлат архиви (кейинги ўринларда НВДА тарзида кўрсатилади) 858-фонд, 1-рўйхат, 38 -йиғма жилд, 83-вароқ.

<sup>&</sup>lt;sup>11</sup> ФВДА, 1160-фонд, 1-рўйхат, 106 - йиғма жилд, 11-варок.

 $<sup>^{12}</sup>$  ФВДА, 1160-фонд, 1-рўйхат, 96-йиғма жилд, 69-варок.

<sup>&</sup>lt;sup>13</sup> ЎзР МДА, 2753-фонд, 1-рўйхат, 217-йиғма жилд, 69-варок.

ташланди. Хужжатлаштириш борасидаги бюрократлик, кадрлар масаласининг хал этилмаганлиги туризм сохасини танг ахволга солиб қўйди.1978 йилнинг ўзида Фарғона водийсидаги тарихий шахарларда бўлган сайёхлардан 1000 дан зиёд шикоятлар келиб тушгани<sup>14</sup> хам туризм сохасида бошқарув тизимининг номукаммаллиги исботлади. Шунингдек, коммунал хизматлар ва ички йўлларнинг таъмирланмаганлиги ёки замонавий йўлсозлик талабларига жавоб бермаганлигини хисобга олган сайёхлар асосан темирйўл хизматидан фойдаланишга мажбур бўлган<sup>15</sup>. Туризмнинг мухим тармоғи хисобланган ресторанлар фаолияти хам водий вилоятларида ночор ахволда бўлган. Жахон тажрибасида фойдаланилган 15 та энг асосий стандартларнинг хам амалиётга жорий қилинмаганлиги тасдикланди. Шунинг учун хам 2000 дан ортиқ хорижлик сайёхлар ресторан ва барлар хизматидан норозилигини шикоят дафтарларига қайд этган эди<sup>16</sup>.

Ўзбекистон компартияси Марказий қўмитасининг "1975-1980 йилларда туризмни ривожлантириш тўғрисида"ги қарори Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятида туристик хизмат кўрсатиш тармокларининг янада ривожланишида мухим роль ўйнади<sup>17</sup>. Меҳмонхоналарни таъмирлаш ва автопарклар қуришга алоҳида аҳамият қаратилди. Бироқ, сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида меҳмонхоналарда "Рубрик" сигнализация тизимини ўрнатиш дастур доирасида бажарилмаганлиги<sup>18</sup>, электр тизимидаги мунтазам узилишлар, хориж мамлакатлар билан тўғридан-тўғри алоқага чиқиш имконияти яратилмаганлиги сайёҳлар норозилигини келтириб чиқарди<sup>19</sup>.

Совет хокимияти йилларида Фарғона водийсида туризмнинг ривожланишига, аввало, мавжуд моддий-техник базанинг ночорлиги, жахон амалиётида фойдаланиб келинаётган стандартлар асосида ишланмаслиги хам асосий тўсиқ бўлган эди.

Биринчи бобнинг "*Узбекистонда туризмнинг ривожланиш жараёни ва водийга хос жихатлари*"деб номланган парагрифида мустақиллик йилларида туризм соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнининг туризм тараққиётида тутган ўрнитадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбектуризм" Миллий компаниясини ташкил этиш ҳақидаги 1992 йил 27 июлдаги Фармонига биноан,1993 йилда минтақавий бўлинма ҳуқуқига эга бўлган "Андижонтурист", "Фарғонатурист" ва "Намангантурист" АЖлари ташкил этилди<sup>20</sup>. Бироқ "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ваколатларининг чекланганлиги соҳа тараққиётини тўлақонли таъминлашга имкон бермади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги ПФ-1162 сонли Фармонига асосан туризмни ривожлантиришнинг "Буюк Ипак

<sup>&</sup>lt;sup>14</sup> ЎзР МДА, 2753 -фонд, 1-рўйхат, 262-йиғма жилд, 102-варок.

<sup>&</sup>lt;sup>15</sup> ЎзР МДА, 2753-фонд, 1-рўйхат, 262-йиғма жилд, 206-варок.

 $<sup>^{16}</sup>$  ЎзР МА, 2753-фонд, 1-рўйхат, 262 йиғма жилд, 212-варок.

 $<sup>^{17}</sup>$  ФВДА, 1160-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 7-вароқ.

 $<sup>^{18}</sup>$  ЎзР МДА, 2753-фонд, 1-рўйҳат, 366-йиғма жилд, 42-вароқ.

<sup>&</sup>lt;sup>19</sup> ЎзР МДА, 2753-фонд, 1-рўйхат, 262-йиғма жилд, 28-варок.

<sup>&</sup>lt;sup>20</sup> Мирзаев А. Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини географик бахолаш // Таълим ва тарбия жараёнида модернизация илмий-услубий мақолалар тўплами. V сон. — Тошкент: — Б. 34-36.

йўли миллий модели" ишлаб чикилган бўлса-да, Фарғона водийсидаги Қўкон, Марғилон, Андижон, Наманган каби тарихий шахарларда йўл ва транспорт сохасидаги муаммолар туризмнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

1995-1997 йилларда туризм сохасида хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг 80 фоизи хусусийлаштирилди<sup>21</sup>. Жумладан, Андижон туризм минтақавий бўлинмаси, Олтин водий мехмонхонаси, Шодлик ресторани, Андижон, Шахрихон, Хонобод сайр ва саёхат бюролари, Ширмонбулоқ туристик базаси<sup>22</sup>, Наманган вилоят минтақавий бўлинмаси таркибидаги Чуст, Поп, Учкўрғон, Косонсойсайёхлик бўлимлари жамоа корхоналарига айлантирилди<sup>23</sup>. Бирок туристик ташкилотларнинг тизимли равишда хусусийлаштирилмаганлиги, бозор иктисодиёти шароитига мослаша олмаганлиги сабабли водийдаги 20 дан зиёд турбазалар банкротлик натижасида фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

1998-2005 йиллардаТожикистон Республикаси ўтувчи автобусларда саёхат қилиш йўналишларининг тугатилиши Фарғона водийсига келувчи туристлар оқимининг 25 фоизга камайишига сабаб бўлди. Жумладан, 1998 йилда "Андижонтурист" АЖ 1997 йилга нисбатан 3000 нафарга камайган<sup>24</sup>.

Вазирлар Махкамаси томонидан 2005-2010 ва 2010-2015 йилларга мўлжалланган "Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг давлат Дастури" қабул қилинди. 2011-2015йиллар давомида Фарғона шахрида "CLUB HOTEL Фергана", "Зиёрат Палас" "Азия мехмонхоналари, вилоятидаги "Andijon Elita", "Andijon sharq durdonasi", "Bog'ishamol gavhari", Наманган вилоятидаги "Orzu tur Grant", "Diamond Aziya" мехмонхоналари газ, электр энергияси, сув, коммуникация, интернет алоқа, халқаро телефон алоқаси, йўлдош телевидениеси билан узлуксиз таъминланди<sup>25</sup>. Бу дастурлар туризмнинг меъёрий-хукукий базаси, инвестицион ва маркетинг чоратадбирлари, ички туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 сентябдаги 269- сонли қарорига<sup>26</sup> асосан "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темирйўл линияси ишга туширилиши водийга келаётган сайёхлар окимининг кўпайишига олиб келди. Туристик ресурсларни хориж телеканаллари оркали реклама қилиш йўлга қўйилган бўлса-да, сайёхларни ахборотга бўлган эхтиёжи тўлик кондирилмаганлиги окибатида сохада жиддий натижалар кўлга киритилмади.

2016 йилдан эътиборан туризм сохаси янги сифат боскичига кўтарилди. Жумладан, "Ўзбектуризм" Миллий Компанияси тугатилди ва унинг ўрнида

<sup>&</sup>lt;sup>21</sup> Жорий архив. "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг 13-хужжатлар йигма жилди. 2015 йил.

<sup>&</sup>lt;sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Андижон вилояти архиви бўлими (кейинги ўринларда ЎзР ПДАВАБ деб юритилади) 4141-фонд, 4-рўйхат, 85-йиғма жилд, 90-варок.

<sup>&</sup>lt;sup>23</sup> НВДА. 858-фонд, 1-рўйхат, 219-йиғма жилд, 5-вароқ.

<sup>&</sup>lt;sup>24</sup> Мирзаев А. Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини географик бахолаш // Таълим ва тарбия жараёнида модернизация илмий-услубий маколалар тўплами. V сон. – Тошкент: – Б. 34-36.

<sup>&</sup>lt;sup>25</sup> ЎзР ПДААВБ, 414-фонд, 5-рўйхат, 386-йиғма жилд, 31-варок.

<sup>&</sup>lt;sup>26</sup> lex.uz

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси ташкил этилди. қилиниши, тартибининг ислох туризм тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши, кадрлар тайёрлаш тизимидаги ислохотлар, божхона ва халкаро аэропортларда кизил ва яшил йўлаклар ташкил этилиши, конвертациянинг бекор қилиниши туризм ривожида мухим ахамиятга эга бўлди. 2016 йил 2 февралдаги ПФ-4861-сонли "Ўзбекистон Республикасини туризм сохасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратўғрисида"ги Президент Фармони тадбирлари минтақа имкониятларидан самарали фойдаланиш, миллий брендлар яратиш орқали туризм жозибадорлигини ошишига хизмат қилди. Шунингдек, 2016-2018йилларда туризм сохасини ривожлантириш максадида 30 дан ортик сохага тегишли норматив хужжатлар қабул қилиниши натижасида Фарғона водийсида Шохимардон ва Ёрдон, Косонсой, Нанай, Хонобод каби янги туристик зоналар қайта ташкил этилди ҳамда туризм инфратузилмаси шакллантирилди.

Диссертациянинг иккинчи боби "Фарғона водийсида тарихиймаданий туризмнинг холати" деб номланади. Ушбу бобда Фарғона водийсида археологик ва зиёрат туризмининг шаклланиш жараёнлари ва имкониятлар илмий асосда ёритилиб, таҳлил ҳилинган.

Ушбу бобнинг "Фаргона водийсида археологик туризм имкониятлари ва муаммолари" деб номланган парагрифи археологик туризмнинг шаклланиш жараёнларига бағишланган.

Тарихий-маданий туризм тармоқлари ичида археологик туризм энг сердаромад йўналиш сифатида АҚШ, Исроил, Миср ва Греция сингари давлатларда ривожланган. Туризмнинг ушбу турига, асосан, 25 дан 35 гача бўлган фаол ёш сайёхлар қизиқиш билдиради. Ўзбекистонга айни пайтда, асосан, маданий туризм турлари доирасида 60 ёшдан юкори бўлган кекса ёшдагилар ташриф буюрмокда. Археологик туризмни ривожлантириш мамлакатимизга ташриф буюрадиган сайёхлар ёш кўрсаткичини бирмунча ёшартиришга хизмат қилади. 1976 йилда Жаҳон сайёхлик ташкилоти томонидан Манила декларацияси қабул қилинган бўлиб, унда археологик ёдгорликларга саёҳатлар ва илмий экспедициялар ташкил этишнинг қонуний асослари<sup>27</sup> кўрсатилган.1996 йилдан 2004 йилгача археологик тур бўйлаб саёҳатни амалга оширишга қизиқувчилар сонининг 13 фоизга ошганлиги<sup>28</sup> сайёҳларни экзотик аҳамиятга эга қадимий ёдгорликларга қизиқиш ортиб бораётганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон республикада давлат мухофазасига олинган 1695 та археологик ёдгорликлар $^{29}$  бўйлаб 100 га якин туристик маршрутлар ишлаб чикилган $^{30}$ . Археологик объектлардан замонавий туризм инфраструктураси

15

<sup>&</sup>lt;sup>27</sup>Maria Elena Landi. Turismo archeologico: ruolo e prospettive del sistema – italia nell' area del mediterraneo. – Napoli:, FEDERICO II, 2007. – P. 15.

<sup>&</sup>lt;sup>28</sup> Wesam Almobaideen, Mamoon Allan, and Maha Saadeh. Smart archaeological tourism: contention,convenience and accessibility in the contextof cloud-centric iot – Jordan:, The University of Jordan, 2016. – P. 228.

 $<sup>^{29}</sup>$  Абдумўминов О. Тарихий маданий мерос химоясидаги хамкорлик //Тошкент давлат иктисодиёт университети илмий ахборотномаси. -2015. №1. - Б. 54.

<sup>&</sup>lt;sup>30</sup> ФВДА, 1160-фонд, 1-рўйхат, 17-йиғма жилд, 224-варок.

сифатида фойдаланиш мамлакатимизга халқаро кўламдаги доимий сармоялар олиб келиш имконини бериши билан бошқа маданий туризм турларидан ажралиб туради<sup>31</sup>.

Фарғона водийсида археологик туризм ресурслари катта бўлиб, Андижон вилоятида 114 та, Фарғона вилоятида 178 та, Наманган вилоятида 167 та археологик ёдгорликлар давлат рўйхатига олинган<sup>32</sup>. Наманган вилояти Поп туманида 1991 йилда водийда ягона "Поп археология музейи"<sup>33</sup>, 1998 йилда Кувада "Ал-Фарғоний–Шахристон" мемориал комплекси, Ахсикент шахристони<sup>34</sup>, 2018 йилда Косонсойда Муғтепа музей қўриқхоналари фаолиятийўлга қўйилди.

Водийда 10 га якин шахар типидаги ёдгорликлар сакланиб колган бўлиб<sup>35</sup>, улар жумласига Фарғона вилоятидаги Арктепа ва Сариккўрғон<sup>36</sup>, Андижон вилоятидаги Эйлатон ва Мингтепа шахар харобаси, Наманган вилоятидаги Ахсикент, Мунчоктепа, Муғтепа ёдгорликларини киритиш мумкин. Ушбу ёдгорликлар бўйлаб 2018 йилдан бошлаб "Самовий отлар диёрига саёхат" номли Сарикўрғон–Қува–Асака–Мархамат–Ахсикент–Мунчоктепа йўналишида тематик маршрут ташкил этилди<sup>37</sup>.

Иккинчи бобнинг "Фаргона водийсида зиёрат туризмини ривожлантиришдаги муаммо ва ютуклар" мавзуидаги иккинчи парагрифида Фаргона водийсининг зиёрат туризми потенциали, соха ривожига тўсик бўлиб турган муаммолар, туризм инфратузилмасининг холати ёритилган.

Муқаддас жойларни зиёрат қилиш саёҳатнинг бир тури бўлиб, у Жаҳон туризм ташкилоти томонидан "диний туризм" деб тан олинган. Туризмнинг ушбу тури бўйича саёҳатга чиқувчилар "зиёратчилар" деб аталади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги "Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари" тўғрисида"ги ПҚ 3509-сонли қарори ҳамда 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ—3514-сонли қарорларида туризмнинг стратегик тармоғи сифатида зиёрат туризмини ривожлантириш белгилаб қўйилди. Шунингдек, 2017 йилда O'z.DSt 3220:2017 стандартининг ишлаб чиқилиши, Ўзбекистон мусулмонлар идораси таркибида Зиёрат туризми ассоциациясининг ташкил этилиши водийда зиёрат туризми имкониятларини намоён қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Фарғона водийси зиёрат туризмини ривожлантириш учун катта потенциалга эга худудлардан бири бўлиб, Андижон вилоятида 74 та, Наманган вилоятида 16 та, Фарғона вилоятида эса 254 та зиёратгохлар давлат рўйхатига

<sup>31</sup> Абдураззоқов А. Музейлар равнақ топсин // Халқ сўзи. 1998 йил 10 февраль.

<sup>&</sup>lt;sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Президент девони давлат архиви Фарғона вилояти бўлими (кейинги ўринларда ЎзР ПДАФВБ тарзида кўрсатилади) 2048-фонд, 8-рўйхат, 2-йиғма жилд, 66-варок.

<sup>&</sup>lt;sup>33</sup> Қаюмов А. Ахсикентнинг ўзига хос этнографик ва экологик хусусиятлари. Ахсикент ёдгорлигини ўрганиш ва уни туризм манзилгоҳларига айлантириш истиқболлари // Илмий амалий анжуман материаллари. — Наманган, 2016. — Б. 106.

<sup>&</sup>lt;sup>34</sup> Ўз.Р ПДАФВБ, 2048-фонд, 6-рўйхат, 62-йиғма жилд, 21-варок.

<sup>&</sup>lt;sup>35</sup> ФВДА, 1160-фонд, 1-рўйхат, 12-йиғма жилд, 6-варок.

<sup>&</sup>lt;sup>36</sup> ФВДА, 1160-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд, 246-вароқ.

<sup>&</sup>lt;sup>37</sup> Жорий архив. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қумитаси Фарғона вилояти худудий бошқармаси 2018 йил маълумотлари.

олинган<sup>38</sup>. Ўзбекистон мусулмонлар идораси таркибига кирувчи зиёратгоҳлар Андижон вилоятида 38 та, Наманган вилоятида 38 та, Фарғона вилоятида 120 тани ташкил этади<sup>39</sup>. Мавжуд зиёратгоҳлар бўйлаб 2018 йилда 15 та зиёрат туристик маршрутлари йўлга қўйилди.

Фарғона водийсидаги зиёратгоҳларнинг асосий қисми тасаввуф таълимоти намоёндалари номи билан боғлиқ. Тасаввуф таълимотидаги "сайиру сулук" (тасаввуф таълимотида сўфий уламолар номи билан боғлиқ зиёратгоҳларга амалга ошириладиган зиёрат тури) маросимини амалга ошириш мақсадида<sup>40</sup> Султон Увайс Қараний зиёратгоҳи, <sup>41</sup> Андижон вилоятидаги Қаландарҳона, Эйвоҳбува зиёратгоҳи, Фарғона вилоятидаги Қориёзи бобо зиёратгоҳи, Хўжа Илғор зиёратгоҳи, Хожаназар Хувайдо зиёратгоҳига Афғонистон, Эрон, Арабистон ва бошқа қўшни давлатлардан кўплаб зиёратчилар келиб туради<sup>42</sup>.

"Фарғона водийсида этнотуризмнинг аҳволи" деб номланган учинчи бобда ҳунармандчиликва фольклор туризми имкониятлари,бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг туризм соҳаси тараққиётида тутган ўрни ўрганилган.

Унинг "Фарғона водийсида ҳунармандчилик туризми ва унинг сайёҳлик индустриясидаги ўрни" деб номланган биринчи парагрифида ҳунармандчилик туризми ва унинг соҳа тарақҳиётидаги ўрни очиб берилган.

Жахон туризм ташкилоти 1988 йилдан бошлаб хунармандчилик туризмини "барқарор туризм" сифатида белгилади<sup>43</sup>. Туристлар пул маблағларининг 30 фоизини халқ амалий санъати буюмларига харажат қилиши<sup>44</sup> анъанавий хунармандчиликни сақлаб қолишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. 1999 йилда Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейи муносабати билан 14 кунлик дастур доирасида Ўзбекистоннинг анъанавий ҳунармандчилиги билан таништириш мақсадида Тошкент — Фарғона — Самарқанд — Шаҳрисабз — Буҳоро — Хива — Тошкент<sup>45</sup> йўналиши бўйича ҳалқаро ҳунармандчилик туристик маршрути ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2017 йилнинг 17 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг еттинчи бандида ҳунармандчилик туризмини ривожлантириш

17

<sup>&</sup>lt;sup>38</sup> Жорий архив. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш Фарғона минтақавий инспексцияси маълумотлари. 2018 йил.

<sup>&</sup>lt;sup>39</sup> Жорий архив. Ўзбекистон мусулмонлар идораси маълумотлари. 2018 йил.

<sup>&</sup>lt;sup>40</sup> Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дистанцион менежмент концепциясини кўллаш: Иқтисод фан. номзод. дисс... — Бухоро, 2008. — Б. 102.

<sup>&</sup>lt;sup>41</sup> Абдулахатов Н. Муқаддас қадамжолар туркумидан. Садкак ота зиёратгохи. – Фарғона, Фарғона, 2011. – Б. 48.

<sup>&</sup>lt;sup>42</sup> Абдулахатов Н. Муқаддас қадамжолар туркумидан. Садкак ота зиёратгохи. – Фарғона, Фарғона, 2011. – Б. 28.

<sup>&</sup>lt;sup>43</sup> Walonzi Benzon. The benefits of tourism handicraft sales at mwenge handicrafts centre in dare s salaam, Tazania. - 2014.– P.45.

 $<sup>^{44}</sup>$  Козарев В. М. Туристическая рента: Методические рекомендации. - Москва:, Москва, 1998. - Б. 56-57.

<sup>&</sup>lt;sup>45</sup> ЎзРПДА ФВБ, 2048-фонд, 6-рўйхат, 22-йиғма жилд, 1-варок.

ва "шарқона бозорлар" ташкил этиш масалалари кўрсатилган. Ушбу қарор асосида Қўқон ва Риштон шахарларида шарқ бозорлари ташкил этилди<sup>46</sup>. Натижада, Марғилон шахридаги Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасасида жойлашган очиқ осмон остидаги ҳунармандчилик мажмуаси, Қўқон шаҳридаги "Жоме" ҳалқ амалий санъати музейи, Риштон туманидан Баҳтиёр Назиров, Рустам Усмоновлар уй музейлари ҳамда Қува тумани "Ҳунармандлар маркази" йўналишлари бўйлаб маҳсус туристик машрут ишлаб чиқилди. Риштон туманида "Хизр бува" зиёратгоҳида кулоллар учун ёпиқ бозор ташкил этилди. 2018 йилда бозор шарқона усулда безатилиб, сайёҳлар учун зарур шарт-шароитлар яратилди<sup>48</sup>.

Сайёҳларни, асосан, ҳунармандчилик буюмларини тайёрлаш жараёни қизиқтиради. Жумладан, сайёҳларга кандакорлик буюмларини тайёрлаш жараёнини кўрсатиш мақсадида Қўқон шаҳрида "Умарҳон жоме масжиди", Марғилондаги "Ёдгорлик" мажмуаси, Андижонда "Боғи Бобур" истироҳат боғи ҳудудида очиқ осмон остидаги ҳунармандчилик марказлари ташкил этилган. Андижон шаҳрида "Мусаффо осмон остида ишлаб турган ҳунармандчилик музейи" ва Фарғона вилояти Қува туманидаги "Аҳмадбек Ҳожи қароргоҳи" ёдгорлик мажмуасининг ташкил этилиши ҳунармандчилик туризми тараққиётида муҳим воқеа бўлди 50.

